

Фан олимпиадасининг илк босқичи

✘ 26-27 март кунлари "Ирригация ва мелиорация" кафедрасида "Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси" фанидан Республика фан олимпиадасининг 1-босқичи юқори савияда ташкил этилиб, Низомда белгиланган тартиб асосида муваффақиятли ўтказилди.

"Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси" фанидан Республика фан олимпиадасининг 1-босқичида "Гидромелиорация" факультети "Сув хўжалиги ва мелиорация" таълим йўналиши ҳамда "Гидромелиоратив ишларни механизациялаш" факультети "Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш" таълим йўналишидан 20 нафар талабалар иштирок этишди.

Республика фан олимпиадасининг 1-босқич натижаларига асосан, "Гидромелиорация" факультети "Сув хўжалиги ва мелиорация" таълим йўналиши 403-гуруҳ талабаси Абдукаримов Абдор Баходир ўғли 1-ўринни, "Сув хўжалиги ва мелиорация" таълим йўналиши 402-гуруҳ талабаси Жўраева Хаётхон Нодиржон қизи 2-ўринни, "Сув хўжалиги ва мелиорация" таълим йўналиши 402-гуруҳ талабаси Аллаярова Дилбар Собитжон қизи 3-ўринни эгаллади.

"Ирригация ва мелиорация" кафедраси ассистенти Д.Г.Юлчиев ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов